

# ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

УЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАХАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАХАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 252 (999)

24

ДЕКАБРЬ СЕШАНБА 1957 ЙИЛ

БАХОСИ 20 ТИЙИН

Узбекистон ССР саноати 1957 йил давлат планини мuddатидан илгари бажарди

Узбекистон Халқ хўжалиги кенгашлари, меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советлари ҳамда бошқа министрлик ва идораларга қарашли саноат корхоналари дини маҳсулот ишлаб чиқариш планини мuddатидан илгари, 19 декабрда бажардилар. Ил охиригача пландан ташқари 1 миллиард сўмлик маҳсулот маҳсулот, кўпгина пўлат, прокат, нефть маҳсулотлари, хлама-хил қишлоқ хўжалик машиналари, гаалма, консерва, гўшт, мол ёғи ва бошқа кўпгина маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

Саноат маҳсулотининг ҳажми ўтган йилдагига нисбатан 12 процент ошди. Саноатда меҳнат унумдорлиги соҳасида эришилган даража планда белгиланганда ошиб кетди ва ўтган йилдагидан 7 процент ортиқ бўлди. 100 миллион сўмдан кўпроқ маблаг теълаб қолди.

## Совет Ҳукуматининг ташқи сиёсати масалалари юзасидан СССР Олий Советининг қарори

СССР Олий Совети, Совет Ҳукуматининг ташқи сиёсий фаолиятини тамомлаш маъқуллайд.

СССР Олий Совети СССР Ҳукуматининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлган давлатларнинг ҳукуматларига юборилган мактубларида ва ноталарида баён қилинган тақлифлари халқаро кескинликни юмшатиш, «совуқ уруш»ни ва эфр бериб қуролланишни тўхтатиш вазифасига, барча давлатлар ўртасида тинч ҳамкорликни кенгайтириш вазифасига жавоб берадиган тақлифлар деб билиб, уларни тамомлаш қўллаб-қувватлайди.

СССР Олий Совети совет халқининг ақил прода билан тинчликка доим интилиб келётганлигини ифода этиб, эфр бериб қуролланиш, ҳусусан атом ва водород қуроли билан қуролланиш ҳали ҳам давом этаётган ҳозирги пайтда воқеаларнинг хавфли ривожланишига йўл қўймайлик чораларини кўриш, тинчлик ишнини қаттиқ туриб ҳимоя қилиш ва инсониятни қирғинчилик келтирадиган атом уруши хавфидан халос қилиш зарур деб ҳисоблайди.

1. Атом ва водород қуролига эга бўлган давлатлар — СССР, АҚШ ва Буюк Британиянинг ана шу қурол турларини қўллашидан воз кечиши;

2. СССР, АҚШ ва Буюк Британиянинг 1958 йил 1 январдан бошлаб атом ва водород қуролининг ҳамма синовларини тўхтатиш мажбуриятини оlishлари;

3. СССР, АҚШ ва Буюк Британиянинг ядро қуролининг ҳар қандай турларини ГАРБИЙ Германия территориясида ҳам, ШАРҚИЙ Германия территориясида ҳам жойлаштиришдан воз кечиш тўғрисида битим тузишлари ва Польша, Чехословакия ҳамда Германия Демократик Республикасининг ана шу мамлакатлар территориясида ва ГАРБИЙ Германия территориясида ядро қуроли ишлаб чиқариш ва уни жойлаштиришдан воз кечиш ҳақидаги тақлифларини қабул қилиш;

4. Давлатларнинг ва, биринчи гада, энг қудратли қуролли кучларга эга бўлган буюк давлатларнинг қуроли кучлари ва қурол-яроғлари сонини кўп даражада камайтириш;

5. Шимолий атлантик иттифоқда қатнашувчи давлатлар билан Варшава шартномасида қатнашувчи давлатлар ўртасида ҳужум қилишмаслик ҳақида битим тузиш;

6. Ҳини ва Урта Шарқ мамлакатларининг мустақиллигини бузган ҳеч қандай чораларни кўрмаслик тўғрисида бамасалам бир фикрга келиш ва ана шу раён билан боғланган масалаларни ҳал этишда куч ишлатишдан воз кечиш;

7. Уруш пропагандаси ҳануз давом этаётган мамлакатларда бундай пропагандани тўхтатиш ва давлатлар ўртасида халқаро савдо-сотиқ, илмий ва маданий алоқаларни бутун чоралар билан кенгайтириш ана шу мақсадларга жавоб берган бўлар эди.

Москва, Кремль  
1957 йил 21 декабрь.

СССР Олий Совети шунга аминдирки, давлатлар раҳбар арбобларининг шахсан учрашиб туриши ва уларнинг ҳал этиш пайти келиб қолган халқаро проблемаларни муҳокам қилишлари давлатлар ўртасидаги муносабатларда мавжуд бўлган кескинликни юмшатиш ва улар ўртасида ўзаро ишонччи мустаҳкамлаш йўлларини қидириб топишга ериш берган булар эди.

СССР Олий Совети эфр мамнуният билан қайд қиладики, халқаро миқёсдаги жуда кенг доиралар Совет Иттифоқининг тинчлик йўлидаги ташаббусига катта эътибор беришадилар ва бу ташаббусни қўллаб-қувватламоқдалар. Ана шу кенг доиралар ҳозирги даврда атом урушидан қўтилишнинг фақат бир йўли, яъни тинч-тотув яшаш йўли боришини кўриб туришлар. Жаҳонда рўй берган ҳозирги вазиятда, кинтантистик ва социалистик давлатлар мавжуд бўлган бир пайтда ана шу вазиятни ташқаридан куч ердими билан ўзгартиришга қаратилган ҳар қандай уринишлар, сиёсий режимидаги ўзгартириш мақсадида бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашини йўлидаги уринишлар, территорияни бирор тарада ўзгартириш учун мажбур қилиш, ҳозирги «статус-кво»ни бузишга уринишлар умумий тинчлик иши учун ҳалокатли оқибатлар келтириган бўлар эди.

СССР Олий Совети мамнуният билан қайд қиладики, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеясининг ҳали ақридагина тамом бўлган сессияси давлатларнинг динч-тотув яшаш тўғрисидаги масалани қараб чиқиш, тинч-тотув яшаш принципларини қувватлади ва давлатлар ўртасидаги муносабатларни «бир-бирларини ҳурмат қилиш ва ўзаро манфаатдорлик, ҳужум қилишмаслик, суверенитетни, гентлажини ва территориял бутунлигини ўзаро ҳурмат қилиш ҳамда бир-бирларининг ички ишларига аралашмаслик асосида» ривожлантириш зарур деб эътироф этилган қарорини қабул қилди. Бош Ассамблея барча давлатларга мурожаат қилиб, уларни «халқаро тинчликни мустаҳкамлаш ва дўстона муносабатлар ҳамда ҳамкорликни ривожлантириш учун, шунингдек жанжалларни тинч воситалар билан ҳал этиш учун бутун кучини сарф қилиш»га қақриди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ана шундай резолюцияни қабул қилганига эфр бериб қуролланишнинг тўхтатиш, жанжалли масалаларни тинч ҳал этиш йўллари ва воситаларни қидириб топиш, воқеаларнинг янги уруш томонига хавфли сурутда ривожланиб боришини тўхтатиш ва янги урушнинг бошланғичига йўл қўймайлик ҳақидаги талаблар бутун дунёда гой кучайиб бораётганлигини акс эттиради. Олий Совет шунга қайд қиладики, ана шу қафийатлар Шимолий атлантик иттифоқда қатнашувчи мамлакатлар давлат арбобларини бир қанчасини НАТО кенгаши Париж сессиясида сўзлаган нутқларида ҳам ўз ифодасини топди. Ана шу арбоблар Совет Ҳукуматининг давлатлар ўртасида

мунокаралар олиб бориш тўғрисидаги тақлифларини қабул қилишни ёқладилар. Аммо, НАТО кенгаши сессиясининг қарорларида қуролсизланиш масалалари юзасидан Совет Иттифоқи билан мунокаралар олиб бориш мақсадида мувофиқ эканлиги асалиб ўтилса ҳам, умуман олганда бу қарорлар Шимолий атлантик иттифоқда қатнашувчи давлатларнинг ҳарбий тайёргарлигини бузган бўлиб ҳам охиригача қаратилган бўлиб, НАТОга раҳбар давлатларнинг тинчлик ишита хавф-хатарли бўлган сиёсатини давом эттириш ниятида эканликлари ишот қилади.

СССР Олий Совети умумий тинчликни мустаҳкамлашдан иборат юксак мақсадларга амал қилиб, барча мамлакатларнинг парламентарлари ва ҳукуматлари Совет Иттифоқи томонидан илгари сурилган тақлифларни тегишли эътибор билан қараб чиқариш ва давлатлар ўртасидаги муносабатларни кескинлаштиришга олиб келиши мумкин бўлган ишлардан тийилиб, халқаро кескинликни юмшатиш учун қўлларидан келган бутун чораларни кўридилар, деб умид қилади.

СССР Олий Совети Шимолий атлантик иттифоқда қатнашувчи давлатлар раҳбар арбобларининг бу давлатлар бошқа мамлакатлар билан муносабатларида куч ишлатиш позициясида турмайли, деган гапларига эътибор берди. Бу, халқаро проблемаларни ҳал этишга ҳушёрлик билан қараш ўзига тўбора йўл очиб олаётганлигини ишот этади. СССР Олий Совети ана шу баёнотларни эътибор олиб ва бу баёнотлар НАТОда қатнашувчи давлатларнинг амалий ишларида ривожлантирилиши, деб умид илҳор қилиб, тинчликни мустаҳкамлаш ва халқлар ўртасида ишонч вазиятини мустаҳкамлаш ишита янги жидий ҳисса қўшишга интилиб, Совет Ҳукуматига Совет Иттифоқи қуроли кучлари сонини янада қисқартириш масаласини қараб чиқишни ва қуроли кучлар ҳамда қурол-яроғларнинг қолган миқдорини қуролсизланиш тўғрисида халқаро битим тузишга қадар Совет Иттифоқининг муҳофазаси манфаатларини тўла таъминлайдиган даражада сақлашни топишларди.

СССР Олий Совети Америка Қўшма Штатлари, Буюк Британия ва Франциянинг ўз қуроли кучларини камайтириш учун чора кўришларини ва бу билан чинакам халқаро хавфсизлигини вужудга келтириш ишита ҳисса қўшишларини кутди.

СССР Олий Совети ишонч билдириб айтадики, Совет Иттифоқи, Халқ Хитойи ва бошқа социалистик давлатлар халқларининг тинчлик ва барча миллатлар ўртасида дўстликдан иборат одианоб ишни қаттиқ туриб ҳимоя қилаётган бошқа ҳамма халқларнинг кучлари билан қўшиланган кучлари муваффақият қозонади ва инсоният янги уруш хавфидан халос бўлиб, ўзининг бутун кучларини тамомлаш тинч меҳнатга бағишлай олади.

### Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети

#### КПСС Марказий Комитетининг секретари Николай Григорьевич Игнатов

1957 йил декабрда Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми ўртоқ Н. Г. Игнатовни КПСС Марказий Комитетининг секретари қилиб сайлади.



Николай Григорьевич Игнатов 1901 йилда Сталинград области Тишанская Станицада ишчи оиласида тутилган. Еш ўмир вақтида у отаси билан бирга ёлланиб дурадгор бўлиб ишлаш бошлаган. 1917 йилдан бошлаб 1921 йилгача Қизил Армия сафарида кўнгилчилардан бўлиб хизмат қилган, сўнгра аса то 1932 йилгача ЧК ва ОГПУ органларида ишлаган. У, бошмачиларга қарши курашда қатнашган. 1923 йилда Коммунистик партия сафига кирган.

1932-1934 йилларда ўртоқ Игнатов КПСС Марказий Комитети хузуридаги марксизм-ленинизм курсларида ўқийди. Буларни тамомлагандан кейин 1934 йилда у, Ленинграддаги «Гознак» фабрикасида партия Марказий Комитетининг партия ташкилотчиси қилиб юборилди. Ленинград шаҳар Ленин райониинг партия ташкилотчи унк 1937 йилда район комитетининг биринчи секретари қилиб сайланди. Орадан кўп ўтмай, партия ўртоқ Игнатовни Куйбисhev области партия комитетининг иккинчи секретари, сўнгра биринчи секретари қилиб сайланади.

1940 йилда у, Орёл шаҳрига юборилиб, бу ерда 1948 йилгача Орёл области партия комитетининг секретари бўлиб ишлайди. 1949 йилда уни Краснодар ўлка партия комитетининг секретари қилиб сайлайдилар. 1952 йилда партиянинг XIX съезидан Н. Г. Игнатов КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг Пленумида аса, КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоллигига кандидат ва Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг секретари қилиб сайланди.

1953 йилда ўртоқ Игнатов Ленинград области партия комитетининг иккинчи секретари ва Ленинград шаҳар партия комитетининг биринчи секретари қилиб сайланди.

1954 йилда ўртоқ Игнатов Воронеж области партия комитетининг биринчи секретари бўлиб ишлади. 1955 йилда аса КПСС Горький области комитетининг биринчи секретари қилиб сайланди.

#### КПСС Марказий Комитетининг секретари Алексей Илларионович Кириченко

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ўртоқ А. И. Кириченкони Марказий Комитет секретари қилиб сайлади.



Алексей Илларионович Кириченко 1908 йилда Херсон областининг Чернобаевка қишлоғида тутилган. Унинг отаси темир йўл қурилишида ишлаган. Алексей Илларионович ўз меҳнат фаолиятини 11 яшар ўмир вақтида бошлаган, бир неча йил қулоқларда батраклик қилган, сўнгра темир йўлда ремонт ишчиси бўлиб ишлаган.

1928 йилда антропактор механиклар мактабини тамомлаб, Херсондаги антропактор мастер-койларда механик бўлиб, сўнгра Кустаний гадада совхозда механик, кейинчалик аса, старший механик бўлиб, Херсон областидаги «Красний Перекоп» гадада совхоз бўлимининг мудир бўлиб ишлаган. Бу ерда 1930 йилда Алексей Илларионович партия аъзоллигига қабул қилинди. 1936 йилда у, социалистик деджончилик инженер-механиклар Азов-Кора денгиз институтининг тамомлади. Бу институтни тамомлагандан кейин қишлоқ хўжалигини механизациялаш Ахир техникумининг илмий мудир бўлиб ўқитувчилик ишини олиб борди.

Уртоқ Кириченко студентлик вақтидаги партия турмушида актив қатнашди, беш йил давомида институт партия комитетининг аъзоси ва уч йил комсомол комитетининг секретари бўлиб ишлади. 1938 йилда у, Украина Коммунистик партияси Марказий Комитети аппаратида ишлаганига кўтарилиб, бу ерда инструктор, маъсуд ташкилотчи, сектор мудир, бўлим мудир вазифаларида ишлади.

1941 йил февралда ўртоқ Кириченко Украина Компартияси Марказий Комитетининг секретари қилиб сайланди. Улуғ Ватан уруши бошларидан партия уни армияда сиёсий ишга юборди, у, ГАРБИЙ-Жанубий фронт ҳарбий кенгашининг аъзоси қилиб тайинланди. Унга генерал-майор унвони берилди. Кейинчалик Алексей Илларионович Сталинград-Дон, Жанубий ва 4-Украина фронтларида ҳарбий кенгаш аъзоси бўлиб ишлади.

1944 йил бошида ўртоқ Кириченко Украина партия ишита қайтиб келди, бу ерда Украина КП Марказий Комитетининг секретари қилиб сайланди, сўнгра, у беш йил давомида Одесса области ва шаҳар партия комитетининг биринчи секретари бўлиб ишлайди.

1949 йилда Алексей Илларионович Украина Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари, 1953 йилда аса, Украина КП Марказий Комитетининг биринчи секретари қилиб сайланди. КПСС XIX ва XX съезидарида у, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси қилиб сайланди. 1953 йилдан бошлаб — КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзоллигига кандидат, 1955 йилдан бошлаб аса — КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзосидир.

Уртоқ Кириченко СССР ва УССР Олий Советларининг депутаты. Уч марта Ленин ордени билан, икки марта Қизил Байроқ ордени билан, Кутузов ордени билан ва медаллар билан мукофотланган.

#### КПСС Марказий Комитетининг секретари Нуриддин Акрамович Муҳитдинов

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ўртоқ Н. А. Муҳитдиновни КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси ва КПСС Марказий Комитетининг секретари қилиб сайлади.



Нуриддин Акрамович Муҳитдинов 1917 йил ноябрда Тошкентда камбағал деджон оиласида тутилган. Ўрта мактабни ва кооператив техникумининг тамомлагандан кейин (1935 йил) Узбекистон матлубот кооперацияси системасида ишлаган. Савдо-иқтисод институтини, сўнгра олий педагогика курсларини тамомлаган.

1940 йилда ўртоқ Муҳитдинов Совет Армиясига қақирлиб, бу ерда 1945 йилгача комсомол ва сиёсий ишларда хизмат қилган. 1942 йилда Жанубий фронтда у, Коммунистик партия сафига қабул қилинди.

Армиядан бўшагандан кейин ўртоқ Муҳитдинов раҳбар партия ишита юборилди. 1946 йилда у, Узбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг лектори бўлиб ишлади; 1947 йилда Узбекистон Коммунистик партияси Наманган области комитетининг секретари, 1949 йилда Узбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг секретари, 1950 йилда аса Узбекистон Коммунистик партияси Тошкент области комитетининг биринчи секретари қилиб сайланди.

1951 йилда ўртоқ Муҳитдинов Узбекистон ССР Министрлар Советининг раиси қилиб тайинланди. 1955 йил декабрда Узбекистон Коммунистик партияси Мар-

казий Комитетининг биринчи секретари қилиб сайланди.


Партиянинг XIX ва XX съезидарида ўртоқ Муҳитдинов КПСС Марказий Комитетининг аъзоси қилиб сайланади. 1956 йилда партия Марказий Комитетининг февраль Пленумида у, КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоллигига кандидат қилиб сайланди, 1957 йил декабрь Пленумида аса КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси ва Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг секретари қилиб сайланди.

Уртоқ Муҳитдинов СССР ва Узбекистон ССР Олий Советларининг депутатыдир. У икки марта Ленин ордени билан ва медаллар билан мукофотланган.





# Қирқ ёшнинг муборак, СОВЕТ УКРАИНАСИ!



Суратда: Украина ССР пойтахти Киев шаҳрининг энг катта ва обод кўчаси — Крещатик. (ТАСС фотохроникаси).

## ДУСТИМНИНГ ХАТИ

Дўстим сен хат ёзиб уйга чорлабсан, Тантана кунлари тўйга чорлабсан, Сенинг Днепр бўлдию оғди, Юрагим меҳридан ёзим тўёна, Гўё, «кел болам» деб йўлимга боқди Азиз Украина, меҳрибон она. Хайлим осмондай кенг кўлоқ ёзиб, Дўстимман, сен унда бўлдинг намоев. Инкизи соҳилда ақолавар қазиб, Турардиқ уфққа боқиб ёнма-ён, Босқинчи дарёга ўт сочар эди, Кўл бўлиб сўнарди оппоқ хаталар, Кўзга ўт, дилга ўч қўйилар эди, Кутарди бизларни жанг, атакалар. Тонг эди, душманин қоплади олов, Днепр бизларни кўтариб ўтди, Соҳилда зафарга чорлади ялов, Тупроққа қориниб, ёв ажал ютди. Дўстим сен бир куйган хатга келдинг, Тиз чўлиб, йидамга ерга букмадинг, Кўзинг алағиса ялтираб кетди,

Йўқ, бутун вужудинг қалтираб кетди. Фақат кўл тўғирди яқин йироқда. «Биз қайтиб келармиз» дедим шу чоқда. Елкамга кўл бериб турдинг аста сен, Астрофта термилди боқдинг, хаста сен, «Биз қайтиб келармиз», — дедим, —

— албатта»,  
Кўзгалдик, ўч отиб юрдик фарб томон,  
— Биз қайтиб келармиз, — дедим, —

— албатта,  
Жанг тугаб, фашанм тиз чўккан замон,  
Биз ўдик, қанча сув, дарё, сойлардан,  
Биз ўдик қанча кўп гўзал жойлардан,  
Хар ерда «Биз қайтиб келармиз» дердинг,  
«Қалбимда Днепр дарёмиз», дердинг,  
Биз қайтиб, пировард бўлди оғир жанг,  
Ўрмондан қайтишди мўйсифид отанг,  
Севимли қайлигинг, муштинлар онанг,  
Кўксинга отида, тикланди хатанг.  
Днепр бўйлари, оппоқ уйлари,

Бандура куйлари, элиниг тўйлари  
Бизларин шод кутиб, жоножон бўлди.  
Қалбларда тинч ҳаёт кенг жаҳон бўлди.  
Паст-баланд қирларда олтин денгизин,  
Мавж уриб, йўлигга бош эгди шунин,  
Қалбингда элинигинг меҳри, юдузин,  
Жанговар дўстим сен бўлдинг агроном.  
«Ҳаёт ўзгачадир ўша соҳилда,  
Энди кўрсанг эди» дебсан қадрдон,  
Бегоён Ватаниниг ҳар ери дилда,  
Тупроғи тўтиб, эли жоножон.  
Сир ГЭСи Каховка номин эслатар,  
Галла хирмонлари сўйлайди сени,  
Қалбим дер бўласини қайда элатлар,  
Хар қачон бахт тилаб, ўйлайди сени.  
Табаррук хатининг олганин замон,  
Дўстимман, сен унда бўлдинг намоев,  
Инкизи соҳилда турардиқ курсанг,  
Бир она меҳра-ла улгайган фарзанд.

НАЗАРМАТ.

## О Н А

(УКРАИНА ХОТИРАЛАРИДАН)

Совет ҳақи сариқ лабо — гит-дерчилар галасига қарши қонли жангларда жон олиб жон бераётган, опа-тупроғини ҳимоя қилиш учун Улуғ Ватан урушига маршонавор отланган паёт. Уруш даҳшатлари халқимизнинг бошига не балоларини солмади!

Асрий маданиятнинг ноқир ме-морлари жоҳиллар, ваҳилларнинг қўлида чилпарчин бўлди. Вайро-наликларини, уруш даҳшатларини кўриб қонлар йиғлаган бечора она-лар, маъсум гўлақлар, нуруний чоллар, шўрлик келинчаларнинг оғи-фарёди кўкка туташарди.

Ана шу даҳшатли кувларда биз ҳам Украина ерларида халқ билан ҳамнафас бўлган, шинель кийиб ерга қарши борган эдик.

Бир кун Украинанинг дала йў-ларидан кетаётганимизда кутилма-ган ҳолатга юз берди. Зениг тўпини тортиб кетаётган машина бирдан кенг дала ўртасига келганда бузи-либ, тўхтаб қолди. Шофер ҳар қан-ча уринса ҳам машинани тугата олмади. Ўз қисмига хабар қилиб мадад олишдан бошқа ялоқ қолма-ган эдик. Ҳаммаиз беш киши эдик. Икки солдат жўнаб кетди. Москва-лик солдат Асатуров, мен ва шофер учаламиз йўлда қолдик.

Икки суткани шу зайлда ўтказ-дик. Бунинг устига қорин тўйга-зишга овқат ҳам, гулхан қилишга ўтин ҳам йўқ.

Ниҳоят Асатуров нима бўлса бўлар деб, бир снаряд яшигининг қопқоғини бузиб гулхан қилди. Лекин биз очилган ҳам, совуқдан ҳам даҳшатлироқ ҳолатга юз берма-са эди деган таҳликада эдик. Чунки ўша вақтда душманининг орқа то-монда қолдириб кетган жоусулари, қуролли агентлари мушошдан чиқиб армиямиз қисмларига зарба бериш-га уринар, четроқ ерларда яқка-ярим қолган жангчиларни ўлдириб кетарди.

Асатуров гулхан ёнида миқ э-май, ичимлагини топ дегандай бо-шини кўйиб сўйиб ўтирарди. Мен эсам аламеини маҳоратдан олар эдим. Шу пайт узоқдан бир одам-нинг қораси кўринди. У қўлида қир тугучиқ билан бизга қараб келар, унинг арқамни, аёлми экан-лигини билб бўлмас эди. Биз унинг ҳар бир ҳаракатини диққат билан кузатиб турдик.

Ниҳоят, у яқинлашиб келди. У эдик ёшлардан ошган бир аёл экан. Аёл бизнинг олдимизга кел-гач, бир нафас тўхтаб, хорчиқ чи-нарди. У, оқ кирган сочларини ту-затиб пешонасидаги терни арди, бизга меҳрибон мовий кўзларини тикиб гўл бошлади.

— Илоҳ уруш ўзини, сизларни шундай сарсон-саргардон қилиб қўйди. Қанча одамларнинг ёстиги-ни қуритди.

Кампир қўлидаги тугучиқга бир неча бор қараб-қараб қўйди. Уйла-ди, сўнгра яна гулхан ёнида жу-зжиқ ўтирган Асатуровга қараб сўз бошлади:

— Сенинг ҳам менга ўхшаган онанг бордир, қаерликан болам?

— Москвалик, — Асатуров со-вуқкина жаноб берди.

— Сен-чи, болам?

— Ўзбекистонлик, — дедим мен, тошкентликман десам тўшу-мас деб ўйлаб.

— Қаерлик бўлсаларинг ҳам илоҳ бошларинг омон бўлсин. Ме-нинг ҳам икки ўғлим армияда. Ми-кола деган ўғлимни шу ўрғада деб эшитдим. Фамилияси Коваленко. Шуну кўргани кетайман.

Кампир бизни қайта-қайта дуо қилиб йўлга тушар экан, яна бир марта қўлидаги тугучиқга қараб қўйди. Бир дам кетишини ҳам, кетмаслигини ҳам билмай турди.

Кампир кетгач, мени ҳар хил совуқ хабалар қўршаб олди. Кўн-лимда пайдо бўлган шубҳа куча-йиб борар эди.

— Тагин бу кампир айроқ бўл-масин? — дедим Асатуровга қараб.

У, тўб ҳеч нарса англамагандай менга бир тикилиб-ю, инимамди.

Кампир бир километрча ерга ло-га ботиб юриб борди. Йўлда икки марта тўхтаб орқасига қаради. Учинчи марта тўхтади-ю, бирдан орқасига қайрилиб бизга томон юра бошлади. Мен ҳайрон бўлдим.

Биз кампирнинг етиб келишини кузатиб турардик. Йўл юриб анча машаққат чеккан кампир бизга яқинлашиб келар экан, қўлидаги тугучиқни еча бошлади ва йўл-йўлакай:

— Ўғлимга деб бир илоҳ қилиб пича билан пишириб олган эдим. Мана, ўғилларим елган, сизлар ҳам оч-наҳор ўтирганга ўхшайсиз-лар, — деди бизлардан узагиб.

Кампир яна бизга қайтиб кетди. Бир бегона кимса эмас, энг меҳ-рибон она қайтиб кетди. Энди ме-нинг қўлига муҳимини ва шубҳали хабаларини тарқатиб кетган эди.

Шу онанинг илқ меҳри бизнинг яқрақларимизни тоғдай кўтариб, унинг меҳри-шафқати шубҳалари-мизни мудултай тарқатиб юборди. У, қалбимизда отанин севги, умид, меҳр уйғотиб кетди.

Қадридон украин халқи ҳамма со-лери халқлари билан биргаликда ўз социалистик республикасининг қирқ йиллигини байрам қилаётган ҳозирги пайтда ана шу воқеа ме-нинг хотирамга келди. Мен ҳам ҳамма совет кишилари сингари украинлик ёри-бирозларга, ога-нини, она-сингилларга, дўсти қар-дошларга шу улуғ байрам кунини қизгин табиғатини ва ширин ис-такларини йўллайман.

Босит ХАЛИЛОВ.

## Байрамингиз муборак бўлсин!

Ўрғада Украинада Совет ҳокимия-ти ўрнатилганига рова 40 йил тўла-ди. Қадридон украин ўртоқлар, бу шоли кунини сизлар билан бир қа-торда бутун совет халқи, шу жу-младан ўзбек халқи ҳам зўр тантана билан нишонламоқда.

Яқинда Киев иқтисодий райони-даги кўмир-қилғи қомбинати кол-лективи бизнинг «Ўзбекиуголь» қом-бинати коллективини социалистик мусобақага чақирди. Бу чақирқини ўзбек шахтёрлари зўр мамунит билан қабул қилдилар. Икки ўрғада ривожланиб бораётган алоқалар со-циалистик экономикани юксалти-ришда янги муваффақиятларни қўл-га киритишга имкон беради.

Бугун, сизнинг шоли байрами-нги кунда ўзбек шахтёрлари ўз бирозларни — украин шахтёрлари-ни қизгин табриқлайдилар ва мам-лакатимиз куч-қудратини мустақ-камлаш йўлида уларга бунидн ке-йин ҳам янгидан-янг муваффақият-лар тилайдилар.

Шахтёрлик саломин билан:

Эрмат БОЙМАТОВ,  
«Ўзбекиуголь» қомбинатининг  
9-шахта-навалотбойчиси.

Мамадали ПИРИМҚУЛОВ,  
навалотбойчи.

## Украинлик чорвадорлар маслаҳати билан

Шу йилнинг бошларида бизнинг қолхозимизга Москва области ҳамда Украинадан чорвадорлар меҳмон бўлиб келдилар. Улар фермада бўл-дилар, илгор сўт соғувчиларимиз, чўчқабалларимиз билан суҳбат-лашдилар ва бу соҳада ўз тажриба-ларини ўртоқлашдилар.

Ҳамкорлик, ўзаро маслаҳатла-шиш асосида иш олиб бориш са-марали натижага берди. Қолхо-зимизда чорва моллари маҳсулдо-рини кескин ошириди. Мажбур со-ғини сиғирларнинг ҳар бирдан қо-риб 4000 литран сўт соғиб олинди. Сўт соғиб олиш мазасини белгиланган тошпирқ орғини бил-ан бажарилди.

Қолхозимизда давлатга гўшт топ-шириш ва закупка қилиш мазасини белгиланган тошпирқ ҳам музда-тидан илгари муваффақиятли бажар-илди.

Бугун барча қарлош совет халқ-лари Украинанинг юбилей тўйини қувонч билан нишонламоқдалар. Шу улуғ аёлмада бизга ўзларининг қимматли маслаҳатлари билан ёр-дам берган, ҳамкорлик қилган ук-раинлик чорвадорларга қайта-қайта раҳмат айтаман ва уларнинг ишига муваффақиятлар тилайман.

Ф. АБДУЛЛАЕВ.

Қалинин районидаги Вороши-лов номи қолхоз раиси. Со-циалистик Меҳнат Қаҳрамони

## Яшнаётган Украина

Украина! Бу — ҳозир ўзининг 40 йиллигини байрам қилаётган қудратли социалистик мамлакатдир. Совет ҳокимияти юлдузи тағина, озоликнинг қилми байроғи остида Украинанинг порлоқ тақдирини бунё-га келди. Бойшевиклар овоз Украинанинг истиқболини кўрсатиб бер-дилар. Биз Украина деганимизда кўз ўнгимизда кўприк ораётган Тисса дарёсидан тич Дон ва сер-куйш Крым соҳилларига чўзилиб кетган улдувор республика гавдала-нази.

1917 йил 25 декабрь — Укра-инада Совет ҳокимияти эълон қилин-ган порлоқ кундир. Бизнинг янги, чинакам тарихимиз ана шу кундан бошланди, украинлар ўзлари рус халқидан сўнг биринчи бўлиб Ок-тябрь ериб берган йўлдан борган-диклари билан гўл фахрланадилар, бунинг ўзлари учун буюқ миллий иф-тиҳор деб биландилар. Украин халқи Россия пролетариати билан бир сафда туриб қонин чорин зулмини қарши отланди, душман кучларини қаттиқ қўлиқ билан янчиб ташла-ди. Революция Россиянинг иш-чи ва деҳқонлари бизга бу курашда катта ёрдам кўрсатдилар. Кўп жан-ларда чиққан худди ана шу про-летар бирдиги ғалабаимизнинг асо-сий гарови бўлди.

Барча украин ерларини ягона совет давлати доирасида бирлаш-тириш тўғрисида украин халқининг эрлар мобайнида қилиб келган одуви Совет ҳокимияти байроғи о-стидаги рўёба чиқди.

Совет Украинаси шадан қадам-лар ташлаб олга ривожланиб бора-ётганида уруш бошланиб қолди. Миллионлаб украинлар совет қў-шинларининг сафларига қўшилди-лар, улар гитлерчи босқинчиларга қарши Москва ва Сталинград ос-тоналарида, Кавказ тоғлари атрақ-ларида ва узок Шимолда жанг қил-дилар. Қаҳрамон шахтёрлар — Одесса ва Севастополнинг мард ҳимоячи-лари сўймаз шўхрат қозондилар.

1945 йилда замбараклардан оти-либ берилган тантанали салот бу-тин жаҳонга душман устидан ғалаба қозonganлигини хабар қилди.

ал қудрати билан ҳақли суратда фахрланамиз. Ҳозир Украинада гўл катта кемадар, телловолар ва тур-биналардан тортиб энг нолик ва ки-чик аппаратларга қадар ҳамма нар-са ишлаб чиқариламоқда. Украина саноатининг ялпи маҳсулоти 1956 йилда 1913 йилдаги даражага қара-ганда 19 марта кўпайди. Республи-када машинасозлик ва металл иш-лаш саноати барпо қилинди. Саноат-нинг бу тармоқларида ишлаб чиқар-илган маҳсулот ҳажми 1956 йилда 1913 йилдаги даражадан 120 марта-дан зиёд ошди. Металлургия, шах-тёрлар, энергетикларнинг қаҳрамо-нада меҳнати ажойиб самаралар берди.

Украинанинг ероти бойликлари йитмас-туғамасдир. Бу ерда тош-кўмир, руда, газ ва бошқа жуда кўп қазилма бойликлар бор. Ҳозир Ук-раинада янги саноат районлари қилиб қилинган ва ишга солинди.

Харков ва Полтава ерларида янги нефть ва газ қонлари топилиди. Харков яқинидаги Шибенский рай-онида газ қони топилиди. Бу га-зининг қуввати индустриал Харков-нинг саноатига қўйилмоқда. Газо-провод линияси Днепровсксканча етиб борди. Бошқа газопровод ли-нияси эса шимол томонга—Брянск, Орелга ҳамда ундан нарироқ — Ленинградга қараб қурилмақда.

Украинанинг бегоён чўллари ҳам танов бўлмас даражада ўзгариб кет-ди. Галлакорлар бир замонлар ўз ерларини ёғоч омон билан ҳайлар эдилар. Уларнинг кўпинга эрларига ҳам ага бўлмай, помешчиклар ва кулақлар учун меҳнат қилишга мажбур эдилар. Ерсиз деҳқоннинг аччиқ тақдирини тўғрисида жуда кўп китоблар ёзилган! Украин сўзучиси Михайло Коцюбинский ўзининг «Фата Моргана» деган ажойиб по-вестига камбағал деҳқон аёл Ма-ланканинг фикр ва орузларини ифодалаб, бундай деб ёган эди: «Эй, ер-замин, сен қандай бадав-лагасан... Сенга галла улдириш, сени қўқат ва гуллар билан безатиш қу-вончлидир. Сени ишлаб ақш кў-вончлидир. Бироқ сен бераҳмеан, камбағалга қе боқмайсан. Сенинг ҳусни-латофатинг бойлар учундир, сен бойларга тўйдирасан, кийинти-расан, бечора камбағални эса нуқуз қабингга олсан».

Бир вақтлар шундай эди. Энди-ликда еринг атаси украин деҳқони-дир. Деҳқонлар ўз бахтларини қол-ҳонда топдилар. Илгарини милли-онлаб майда хусусий хўжалиқлар ҳозир ҳозир Украинада 15.100 қолхоз ва 798 совхоз бор. Украина республикаси мамлакатда ўсти-рилатган қанд давлагининг 70

процентини ҳамда ишлаб чиқарила-ётган қанднинг 75 процентини ет-казиб бермоқда ва ҳоказо.

Сўнги йилларда Украина чорва-чилик соҳасида ҳам катта ютуқлар-ни қўлга киритди. Украина меҳнат-кашлари чорвачилик маҳсулотлари етиштириш соҳасида яқин йиллар ичида Америкага етиб олди шитте-чи билан тўлиб-тошганлардир.

Украина ўзининг ажойиб галла-корлари ва чорвадорлари билан фахрланади. Марк Озерсий, Степа-нида Винтак, Евгения Додинок, Мария Савченко, Елена Хобта ва бошқа кўпгина илгор кишиларнинг, шу жумладан Федор Дубовецкий, Макар Посмитний, Ульяна Багнин, Галина Буркацкая сингари махшур қолхоз раисларининг номи бутун жа-ҳонга қаралди.

Совет ҳокимияти йилларида укра-ин халқининг шадан миллий ва маъмуан социалистик маданияти гуллаб-яшнади. Жуда кўп украин олимлари, ёзувчилари, рас-сомлари, композиторлари, артиста-ларнинг номи бутун Ватанимизда, унинг ташқирисида махшур бўлди. Украина алақадорлар ёшларига са-воҳонлар республикаси бўлиб қол-ди. Бундан қирқ йил илгари аҳоли-нинг тўртдан бир қисминини бир амалдаб ёзини ва ўқини билар эди. Ҳозир Украинада 6,5 миллион одам қўриётган 30 миң мактаб бор, республика олий ўқув юрталарини ҳар йил 40 миңдан кўпроқ сту-дент таломлаб чиқмоқда. Бу, Фран-ция, Бельгия ва Норвегия сингари мамлакатлардаги олий ўқув юртал-рини таломлаб чиқайтган студент-лардан кўпдир.

Бундан кўп йиллар илгари шах-римиз — Киев Украинанинг пой-тахти сифатида ўз гербига ага бў-лагилигини биз тарихдан биламиз. Улар ҳар хил герблар бўлиб, Киев шахримизнинг тарихий тараққий-тини ва тақдирини турли зайлида ифода қилган эди. Бироқ ҳамма вақт Киевнинг ҳақиқий тимсоли қарлошлиқдан ҳамда ҳаққоният учун, яхши истиқбол учун курашиш-дан иборат бўлиб келди. Энди биз яшаб турган замонда Ленин ордини Киевнинг герби бўлиб қолди. Чунки Ленин образи ҳақиқатнинг ўғиниси-дир. Бутун Украина сингари Киев ҳам социалистик мусобақада жуда катта ютуқларга эришганини учун Ленин ордини билан мукофотланди. Бутун украин халқи бу мукофот билан фахрланди. Бу ажойиб ва улуғвор терб бизнинг қизил байро-ғимизда бундан бую ҳам асло сўи-май порлаб тураверсин.

Иван ЦЮПА,

украин сўзучиси.

## Украина совет энциклопедияси нашр этилади

КИЕВ, 20 декабрь. (ТАСС). Украина КП Марказий Комитети ва УССР Министрлар Советининг қаро-рига мувофиқ, 1958-1962 йил-лар мобайнида 15-16 томлик Украина совет энциклопедияси нашр этилади. Биринчи томи 1959 йил-да чиқариш мўлжалланди.

Украина совет энциклопедияси-нинг бош редакцияси қоллежияси ту-зилди. УССР Фанлар академияси-нинг академиги Н. П. Бажан бош редактор қилиб тасдиқланди. Энциклопедиянинг нашр этишга респу-бликанинг кўзга кўринган олимлари ва мутахассислари жалб этилди. Энциклопедияни УССР Фанлар ака-демияси нашр этиди. Ҳозир акаде-мияда энциклопедиянинг махсу-мий редакцияси тузилди.

## ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

★ Украинада 35 миңдан ортиқ саноат корхоналари ишлаб турибди; 15 миңдан ортиқ қурилиш бор.

★ Украина ССР саноат маҳсулотининг умумий ҳаж-ми 1956 йилда 1913 йилда-гига нисбатан 19 баравар ўси.

★ Ўтган йил 18,3 миллион тонна пўлат эритилди, бу миқдор Франция билан Италияни қўшиб ҳисобла-ганда, уларда эритилган пў-лат миқдорига деярлик ба-равардир. Украина аҳоли жон бошига чўян ишлаб чиқариш жиҳатидан жаҳон-да биринчи ўринга чиқди.

★ 1956 йилда Украинада 3 миллион 136 миң тонна қанд-шакар ишлаб чиқари-ди, бу эса 1913 йилдагига нисбатан қарий уч баравар ортиқдир. Республика аҳоли жон бошига 78 килограмм-дан, яъни Америка Қўшма Штатларидагига нисбатан олти баравардан ҳам ортиқ қанд ишлаб чиқарди.

★ Украина ССР да 15,1 миң қолхоз, 800 га яқин совхоз, 1397 МТС бор.

★ Украинанинг 138 олий ўқув юртида 346 миңдан ортиқ студент ўқиймоқда. Революциядан илгари эса 27 олий ўқув юрти мавжуд бў-либ, уларда 35 миң студент ўқитган эди.

Украин ишчиси билан ўз-бек ишчиси ўртасидаги дўст-лик алоқалари тобора му-стаҳкамланмоқда ва ўсмоқда. Бу дўстлик шоли Комму-нистик партиями миллий сиебатининг тантанасидир. Революцияга қадар ўзбек азида мўчтинасозлик саноати мутлақо йўқ эди. Улуғ рус халқининг, СССРдаги бошқа қарлош халқларнинг ёрдами тўғрисида Совет Ўзбекистонига ҳам эндиликда қудратли ма-шинасозлик базиси вужуга келди. Биз бу билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Яқинда бизнинг мусобақа-дошимиз — Киев иқтисодий райони меҳнаткашларининг катта ютуқларини қўлга киритганликларини газеталар-дан ўқиб қувондик. Улар йиллик плавни 12 декабрда бажариб, пландан ташқари йил охиригача 1 миллиард 200 миллион сўмлик маҳ-сулот ишлаб беришга қарор қилибдилар.

Бундан бир неча ой му-қаддам Тошкент иқтисодий райони меҳнаткашларининг

делегацияси Киевда бўлди ва у ерда эришлаган муваффақи-ятларни кўриб, илгор тажри-баларни ўрганиб қайтди. Ки-евликлар Тошкент Совнархоз-ига қарашли саноат корхо-налари билан бевосита социа-листик мусобақа тузишга даъват эгдилар. Биз бу ча-қирқини жон-дилими билан қабул қилдик. Эндиликда Тошкент экскаватор заводи Киевдаги «Красний экскава-тор» заводи коллективи бил-ан, Тошкент кабелчилари Киев кабелчилари билан ўзаро мусобақалашмоқдалар.

Халқ хўжалиги кенгшла-ри тузалди, саноатни бошқа-ри яхши йўлга қўйилгани-дан бери алоқаларимиз яна-ла мустаҳкамланмоқда. Бун-дан кейин ҳам иқтисодий районларимизга қарашли саноат корхоналарининг ва-киллари бар-бирлари билан тез-тез учрашиб турадилар, ишлаб чиқаришда янада кат-тароқ галабаларга эришиш учун курашадилар.

Тошкент машинасозлари, иқтисодий районимиздаги барча корхоналар коллектив-лари сизларни шоли байра-мингизга билан чин қалбдан табриқлайдилар ва ўзлари-нинг қизгин саломларини йўллайдилар!

★ Қадридон дўстлар, ишлар-имизга катта муваффақиятлар тилайман!

Ш. ХУЖАЕВ,  
Тошкент Совнархоз ма-шинасозлик саноати бошқармасининг бошли-ғи.

Редактор З. ЕСЕНБОВЕВ.